

Илтимос, бу воеага хечам ишонманг.

(Ўқигувчи.)

Дунёда исми жисмига монанд келмайдиган одамлар кўп. Шулардан бири - Йўгонбой. Отаси раҳматли унга нима максадда шундай исм берганини ўзи хам билмасди. Бўрининг ёнида яшаган кўйни тасаввур килинг-у Йўгонбойни кўз олдингизга келтираверинг.

Ковургаларини бемалол санаш мумкин, дея олмаймиз, чунки бунинг учун у боякишни ечинтириб кўриш керак. Хотинини бўрига киёслай олмаймиз, чунки боякиш Мардонани кўрган бўри хам касб-корини ўзгартириб юбориши хеч гап эмас. Йўгонбой шу хотинга уйланиб, кейин озиб кетган, хам дея олмаймиз. Чунки тугилганидан бери унинг семириб юрганини бирор тушида хам кўрмаган. Ажиб томони шундаки, эр хам, хотин хам ўзини “пешонаси шўр” деб аталмиш жабрдийда тоифадан деб билади. Кайси бирларининг пешонаси шўррок эканини аниклаб бера олувчи тарози бўлганида эди, биз бу масалага аниклик киритиб, айтадиганимизни муҳтасар килиб кўя колардик.

Бир куни Мардона эрининг маошини коклагандан кейин “яна беркитиб колгани бордир”, деган фикрда у ер-бу ерини пайпаслаб кўраётган эди, Йўгонбойнинг хўрлиги келиб, ундан:

-Сен менга нечанчи йилда тегиб эдинг, ёдингдами?-деб сўради.

-Саксон еттинчи йилда, нега суриштириб колдингиз?-деди Мардона ажабланиб.

-Сендан биттагина илтимосим бор, хотинхўжа, йўқ демайсан. Икки минг ўнинчи йилда кетаманми бу дунёдан ё йигирманчи йилдами, Худо билади. Вактики келиб вафот этсам, гўримга тош кўйгудай бўлсанг, ўлган йилимни ёздирма. “Шу шўрпешона олтмиш тўртинчи йилда тугилиб, саксон еттинчи йилга кадар одамга ўхшаб яшаган”, деб кўявер,-деди Йўгонбой.

Бу гап юракдан айтилганига караганда Йўгонбойнинг дардига шерик бўлсак арзиди. Агар “хотиндан куйганлар жамияти” тузилгудай бўлса, унга Йўгонбойнинг раислик килиши шубхасиз, деб ўйлаётгандирсиз. Бизда хам шундай ўй бор эди, аммо унинг такдири сал бошқачарок хал этилди.

Кеча Йўгонбойнинг маош олгани эсида. Икки улфати билан битта “ок бола”ни “агдармокчи” бўлгани хам ёдида. Бугун кун ёйилганда уйгонди-ю нечта “ок бола”ни юмалатиб, кейин ўзи агдарилганини эсламокчи бўлиб, шифтга тикилганича ётаверди. Аслида нечта “ок бола” шишани куритганини аник билиши шарт эмас. Унинг ташвиши бошка: маошини уйгача етказиб олиб келдими, ё уйга курук чўнтак билан ташлаб кетишдими?

Хотини индамаяпти. Демак, иккidan бири – ё кеча маош олганидан бехабар, ё чўнтакдаги пулни олиб, кўнгли тинчиган.

Йўгонбой иккинчи тўхтамга келиб, бир оз хотиржамлик билан ўрнидан туриб ювинди. Нонушта сўраса, балога колишини билиб, кўчага отланди. Эрининг харакатларини жимгина кузатаётган Мардона ана шундан кейингина тилга кирди:

-Ха, йўл бўлсин?-деди у.

-Махаллада мажлис бор экан,-деди Йўгонбой.

-Качондан бери мажлисга чикадиган бўлиб колдингиз?

-Кеча оксолол каттик тайинловди.

-Шунаками? Мен кирларимни ювиб олай, мажлисни икковимиз уйда кила коламиз.

Кимирламай ўтилинг, бир кадам хам жилмайсиз.

-Бу гапинг хам маъкул, мажлисга токатим йўқ. Майли, чикиб, сигарет олиб келай.

-Бугун хеч каёкка чикмайсиз, дедим-а? Ичмайсиз хам, чекмайсиз хам,-Мардона эрининг

билигидан ушлаб, худди болага ўхшатиб етаклади-да, диванга ўткизиб, газета узатди.

-Мени кийнама, хотинхўжа,-деб ялинди Йўгонбой,- газет ўқисам, миям суюлиб кетади.

-Вой савил, агар сизда мия колган бўлса, аллакачон арокдан суюлиб кетгандир. Ўтиринг, ўкинг!

Йўгонбой рўпарасида хозир катта генерал турса, гапини икки килиши мумкин эди-ю, бирок Мардонага карши сўз айтолмади. Мардона нари кетди. Йўгонбой иштонини бўктирган боладай жойида жимгина колди. “Бу хотинхўжа эмас , бу – хархашахўжа!” деб кўйишдан ўзга чораси йўқ эди. Уй камогига банди этилган Йўгонбой хўрлик азобидан “уф” тортиб юборди. Чора излаб, атрофига олазарак бокди. Уйи иккинчими ё учинчими каватда бўлганда деразадан ташлаб кочарди-я! Хотини уйни атайин тўккизинчи каватдан олган. Йўгонбой ёнбошлади-да, хотинининг буйругига кўра ўкиши лозим бўлган газетни бошига ёпди...

Канча вакт шу ахволда ётганини билмайди. Бир маҳал эшик кўнгироги чалинди-ю “улфатларим чакириб келишгандир” деган умид билан бошини кўтарди. Хотинининг дугонаси Арбобхонимни кўриб, яна афсус ва ўкинч билан “уфф” тортиб кўйди.

Арбобхоним дугонасини ўпиб кўришгач:

-Эринг уйдами?-деб сўради.

Унинг бу саволи Йўгонбойни хам, Мардонани хам ажаблантириди.

-Эримни нима килмокчисан?-деб сўради Мардона.

-Эрингни икки соатга бериб тур.

Бу илтимос янада ажабланарли бўлди.

-Эримни нима киласан, ўзингники кани?

-Ўзимнику улфатлари билан ошхўрликка кетган. Кейин... бугунги ишга менинг эрим ярамайди.

Бу гапдан кейин хавотир хам уйгонди.

-Бирорвнинг эрини омонатга оладиган одатинг йўқ эди-ку?-деди Мардона зардали охангда.

-Бугун мухим мажлис бор. Эринг менга кўргазмали курол сифатида зарур. Кўркма, бу тавиянгни шкаладдай ўраб олиб, шкаладдай кўлингга топшираман.

-Унакада майли, олиб кетавер, ана ётиби, оғзига пашша кўндириб.

-Хохласанг, ўзингни хам олиб кетай. Мана, сенга хам таклифнома олиб келганман.

Мардона таклифномани истамайгина олиб, кўз югуртириди. Кейин овоз чикариб ўкиди:

-“Сизни “Эркакларни авайлаш жамияти” тузилиши муносабати билан ўтказиладиган таъсис мажлисига таклиф этамиз”....Мардона ажабланиб, дугонасига караб кўйди-да, таклифномани учинчи марта ўкиди:-Эсларинг жойидами?

-Эсимиз жойида. Сеники жойидамас. Менинг эрим каерда? Майшатда! Сенинг эринг-чи? Сен ва сендакаларда инсоф йўқ! Бўпти, оркамиздан етиб бор,-Арбобхоним шундай деб Йўгонбойга юзланди: - Ака, тура колинг, кетдик, сизга озодлик тегиб колди. Йўгонбой вазифаси нимадан иборат эканини билмаса-да, Арбобхондан миннатдор бўлиб, унга эргашди. Махалла чойхонаси якинидан ўтаётгандарида шайтон васваса килиб “шу хотинни чалгитиб, кочиб колсанг – марра сеники”, деди-ю, бирок, чалгитишнинг йўлини кўрсатмади. “Эшак кимники – минганники”, деганларидай, айни дамда Йўгонбой Арбобхонники эди.

Улар алламбало бир саройга етиб келдилар. Осиб ташланган турли шиорларни ўкиб Йўгонбойнинг юраги хаприкиб кетди: “Эркаклар – бойлигимиз, кўз корачигидай асрайларик!”, “Эркакни хорлаган, хор бўлсин!”, “Хар бир эркакни хар куни бир шиша текин

конъяқ билан таъминлашга эришайлик!”, “Чойхонада хар куни ошхўрлик килмаган эркак – эркак эмас!” Шиорларни ўкиб, Йўгонбой чидолмади – йиглаб юборди. “Бу дунёда акли одамлар хам бор экан-ку!” деди у хўнграб. Арбобхон уни овутиб, ичкари бошлади. Во ажаб, саройга мингларча одам тўплланган. Энг ажойиби – биронта эркак зотидан йўқ, хаммаси аёл! Бунакаси хали тариҳда бўлмаган. “Киркта товукка эгаман”, деб керилувчи хўroz нафасини юта колса хам бўларкан. Чунки бу ерда мингта хотинга биттагина Йўгонбой!

Мажлис бошланиб, хотинлар бирин-сирин минбарга чикиб сўзлай бердилар. Йўгонбой уларнинг нуткларини йиглаганича эшишаверди. “Дам олиш кунлари эрларини уй камогига хукм килган хотинларнинг соchlарини биттадан юлиш керак”, деган таклиф айтилганда хаммага кўшилиб, чунон карсак урди-ки, бармоклари ёрилиб, кон сачраб кетди.

Нихоят Арбобхонимга сўз навбати етгач, Йўгонбойни сахнага етаклаб чиқди.

Эркакларнинг улуг зот эканини таъкидлаб, сўнг муддаога ўтди:

-Ана шунака, муҳтарама хонимлар, ўрток хотинлар. “Эркакларни авайлаш жамияти”ни тузиш кўнгиллар талаби бўлиб турибди. Гапим курук бўлмасин учун кўргазмали курол ёрдамида фикримни исбот килишга ўтаман. Сиз кўриб турганингиз, агар фахмлаган бўлсангиз, тирик эркак хисобланади. Уни анатомик жихатдан тахлил килиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Биз “эркак” номи билан аталувчи бу тирик жоннинг хак-хукуклари кай дараҷада бузилаётгани билан кизикиб кўрамиз. Бу одам тугилганида отаси яхши ният билан “Йўгонбой” деб исм кўйган. Ана энди ўзингиз караб айтинг: бу одамнинг нимаси Йўгонбой? Нега шундай бўлди? Бундака Йўгонбой биттагинами? Ўрток хотинлар, кўзларимизни очайлик! Эътиборсизлигимиз, эркакларга нисбатан шафкатсизларча муносабатимиз туфайли йўгонбойларимиз килтирикжонларга айланиб кетишмокда. Ана энди ижозатларингиз билан кўргазмали куролдан битта-иккита гап сўраб олсам:

-Йўгонбой ака, сиз чекасизми?

-Ха, оз-оз.

-Оз-оз, деганингиз нимаси, аник айтинг, кунига неча дона чекасиз?

-Кунигами...-Йўгонбой “тўгрисини айтаверсаммикин”, деб иккиланди. Сўнг дангалига кўчиб кўя колди:- энди... дугонангиз кунига йигрма дона деб катъий белгилаб кўйганлар. Лекин... текини учраб колса, ўттизтами, кирктами, фарки йўқ уриб ташлайверасиз. Нос учраб колса, у хам кетаверади. Энди... бу ёгини ўзингиз хисоблаб олаверасиз.

-Ана, эшишинг, ўрток хотинлар!-деди Арбобхон хитоб билан.-Кўргазмали куролимиз одоб доирасидан чикмай “белгилаб кўйганлар”, деб айтятпилар. Аслида эса неча марта чекиш ноинсоф ва виждонсиз хотин томонидан чеклаб кўйилган ва бу билан эркакнинг эркаклик хукуки кўпол равишда бузилган. Кунига кирк ва ундан кўпроқ сигарет чека оловчи эркак бизнинг бойлигимиз эмасми? Айрим хотинларга бу бойликни оёқ ости килиш хукукини ким берган? Хўш, бундай бечора эркаклар дардларини кимга айтсинлар? Бугун биз ташкил этаётган “Эркакларни авайлаш жамияти” шу долзарб масалани хал килиши керак.

Арбобхон гапини тугатмай, раёсатда ўтирган чиройлигина жувон унга мурожаат килди:

-Кўргазмали куролга саволим бор эди.

Чиройли жувоннинг овози шунаканги ёкимли экан-ки, Йўгонбойда “Шу саволини кулогимга шивирлаб айтсайди”, деган ширин орзу уйгонди. Лекин бу ер орзу амалга

ошадиган жой эмасди, шу боис савол микрофон оркали янгради:

-Айтинг-чи, Югонбай ака, сиз ичасизми?

Бошка бирор исмини шунака бузиб айтса, Йўгонбойнинг аччиги чиккан бўларди. Лекин хозир чиройли жувоннинг “Югонбай” дейиши жуда-жуда ширин эштилиб, ичидаги “тилингга шакар”, деб хам кўйди. Саволдан максадни англаб турса хам, ўзини гўлликка солиб сўради:

-Чойми?

- Йў-ўк, алькоголни айтяпман.

-Ха. энди, эл катори...

-Купрок кай биридан ичасиз, окиданми ёки кизилиданми?

-Танлаган - номард! Борига барака!

-Яна битта дополнителний савол: юрасизми?

-Ие, ана, юриб келдим-ку? Арбобхоним кўтарганлари йўк. Хотинхўжа бир нарса десалар, югуриб хам коламиз.

-Мен пешком юришни эмас. хотинларга юришни ойтаман. Бошка хотинларга юрасизми?

-Энди... эркакчилик... эл каторида.

-Масалан, сразу ништаси билан юрасиз?

-Саволингиз кизик бўлди-ку? Бу саналадиган нарсамас-ку? Учрашига карабда...

-Масалан, в данный момент ништа юрадиганинiz бор?

-Хозирми... хозир биттаям йўк. Очиги... илгари хам бўлмаган.

-Нига?

-Негалигини Арбобхондан сўранг. Хотинхўжа хабар топиб колса, шўrim курийди-да.

Шу ерга келганда гапни яна Арбобхон илиб кетди:

-Ана, ўрток хотинлар, менга худди шу жавоб керак эди! Кўргазмали куролга нисбатан фак-кат хукук бузилмаган. Балки зулм хам килинган. Агар кўргазмали куролни патономик жихатдан ўрганадиган бўлсак, унинг бош миясидаги таламус ва гипоталамус кисмларида синдромик ўзгаришлар бошланган бўлиши керак. Яъни унга зулм давом этаверадиган бўлса, якин орада хотинларни кўрганида боши айланиши, ўкчиши ва кайт килиш холлари кузатилиши мумкин. Ва нихоят, саксон ёшларга борганида, хатто эркаклик хусусиятларини йўкотиб боришлари хам практикада кузатилган. Хўп, энди табиий савол тугилади: эркакларимизни шу холга тушириб кўйишимиз инсофданми?

Чекмайдиган, ичмайдиган, юрмайдиган эркакни эркак дейишига тилимиз хам бормайди. Агар эркак шунака бўлса, у уйланиши эмас, эрга тегиши керак экан, шундай эмасми? Хар бир онгли оиласа ўзимиз ўрнак бўлишимиз керак. Шахсан мен ўзим эржонимга хар куни уч кутидан сигерат олиб бераман. Иккитасини ўзингиз чекинг, биттасини ошналарингиз билан бахам кўринг, дейман. Хар куни бир шиша арок, бир шиша конъяк олиб келиб кўяман. Эркакнинг кўнгли ўзгарувчан бўлади, бугун окини тусаса, эртага кизилини хоҳлаб колади. Хафтада уч марта чойхонадаги маишатлари учун кўшимча маблаг ажратаман. Чойхонадан кайтиб келишларида кутиб олиш учун болалардан навбатчи тайинлаб кўйганман. Хар холда йикилиб колсалар, ёки бегоналар суюб келса, оиласиз шаънига иснод бўлади-да! Хотинлар масаласини хам онгли равишда ўзим хал килиб берганман. Фаррошимиз бабка Шура менинг эримни хомийликка олганлар. Бабка Шурани мен ўзим хар томонлама текшириб кўрганман. У минг тўккиз юз кирк тўккизинчи йилдан бери партия аъзоси бўлган. Эри кирк иккинчи йилда урушда халок бўлганидан бери бошка эр килмаган. Ана шунака, хар бир онгли аёл ўзи бош бўлиб, эрига ишончли хуштор топиб бериши керак.

-Менда битта таклиф бор,-деди раёсатда ўтирган чиройли аёл хаяжонланиб.-Янги жамиятимизда малака ошириш курсларини очсак-да, Арбобхонимни бу курсларга мудира килиб тайинласак. Токи онгиз хотинлар келиб, бу муҳтарама олимамиздан акл ўрганиб кетсинлар.

Бу таклиф Йўғонбойга ёкиб тушиб, чапак чалди-да, кўшимча килди:

-Биринчи бўлиб шу ўкишингизга менинг хотинхўжамни ёзиб кўйинглар. Аммо бурнини ерга ишкаб ўқитасизларда.

Йўғонбой шундай дейиши билан хотини пайдо бўлиб колсами?

-Вой савил, бир камингиз хотинларнинг мажлисида ўтириш эди, энди тўла-тўқис ахмок бўлибсиз,-деди Мардона.

Йўғонбойнинг ўтакаси ёрилишига сал колувди, раёсатда ўтирган чиройли жувон жонига оро кирди:

-Билишимча, сиз кўргазмали куролимизнинг хотинлари экансиз? Уялмайсизми, хоним?

-Нимадан уялай?-деб бўш келмади Мардона.

-Шундай жонон йигитни харобгина килиб кўйибсиз-ку? Хукукини пойиол килиб ташлабсиз-ку! Сиздай хотинга чидаб юргани учун бу эркакка хар хафтада биттадан орден бериш керак.

Бу гап зўр бўлди-ю, бирок Мардона деганига таъсир этмади. Икки кўлини белига тираб, чиройли жувонга тик бокиб деди:

-Шунаками? Бу одамга чидаб келаётганим учун менга хар соатда биттадан орден беришингиз керак.

Орани очик килиш учун Йўғонбой гапга аралашди:

-Майли синглим, орденни шу опангизга бера колинг,-деди у чиройли жувонга караб,-орденини ювиш баҳонасида бизнинг кўкракка хам офтоб тегиб колар.

Жувон чиройли бўлгани билан кайсар экан, Йўғонбойнинг ялинишига кулок солмай Мардонага караб жиддий тарзда буюрди:

-Сиз, опажон, ана у бурчакка туриңг. Биз сиздай хотинга замондош бўлганимиздан орланамиз. Билиб кўйинг, бугундан бошлаб хаммамиз учун ардокли акамизни чекишдан чекламайсиз. Ишдан келишларига битта оқидан, битта беш юлдузлигидан олиб келиб кўясиз. Ўзингиз бош бўлиб, устингизга битта норасмий кундош олиб берасиз.

Йўғонбой бу талаблардан кувонса-да, кўнгли тўлмай, чиройли жувондан яна илтимос килди:

-Жон синглим, оқидан иккита бўлсин, деб кўяверинг, Сотволди чикиб колса, битта камлик килади.

Хайрият, бу илтимос жавобсиз колмади:

-Бу масалада изохимиз бор: агар уйда бир ўзлари бўлса, оқидан битта, улфатлари келса шуларга караб иккита, учта ёки тўртта олиб кўйишингиз шарт. Ва яна бу акамиз уй ишларидан мутлако озод этилишлари зарур.

Бу талабни эшигтан Мардона додлаб юборишдан ўзини тутиб:

-Вой, шу одам уй ишга карашарканми?- деб хитоб килди.

-Карашмайсизми?-деб сўради чиройли жувон Йўғонбойдан.

-Нега карашмас эканман? Нон олиб келаман, ахлат ташлайман... Тугишдан бошка хамма айтган ишларини койиллатиб ташлайман.

-Хали шунаками! Хали сизни деб мен бу тавияларнинг олдида шарманда бўлишим керакми! Кани, юринг-чи. олдимга тушинг-чи!-Мардона шундай деб Йўғонбойни чимчилай кетди.

-Жон хотинхўжа, бу ерда жанжал килма, булар жамият тузишяпти, сениям ўқитишаркан,-демокчи бўлган Йўгонбойнинг негадир овози чикмади. Хотини бикинидан чимчилаган эди, жон аччигида бакириб юборди ва... кўзларини очди.

Хозиргина хотини мажлисда чимчилаятвуди... бу ер ўз уйи... диванда ётибди, бошига ёпган газета тушиб кетибди.

-Туринг, туринг-е!-деди Мардона энди уни силтаб,- ахлат машина келди, ташлаб келинг. Хали уйкуси яхши очилмаган Йўгонбой хотинига ажабланиб каради:

-Бекор айтибсан, ўзинг ташлайвер. Мен уй ишларидан озод килинганман. Ишонмасанг ўртогинг Арбобхондан сўра.

-Нима бало, кечаги халиям таркамади-ми? Кани, туринг-чи!

Йўгонбой хозиргина кўргани туш эканидан ачинмади. Хар холда тушида бўлса хам яхшиликни кўрди. “Эркакнинг туши ўнгидан келади”, дейдилар, бу тушда хам бир хикмат бордир.

Йўгонбой ахлатни ташлагани чикиб, аввал Сотволдини кейин Умматали, Йигиталини учратди. Элакка чиккан хотиннинг эллик оғиз гапи бўлганда ахлат ташлагани чиккан эркаклар жимгина кетаверарканларми? Хуллас, бир чеълак ахлатни кўтариб чиккан Йўгонбой уйга Мардонанинг хисоби бўйича тўрт соату ўн саккиз дакикадан кейин кайтди. Лекин эс-хуши жойида эди. Ўклов кўтарган хотинидан чўчимади, дангал шундай деди:

-Мен озод эркакман, билиб кўй! Мени химоя киладиганлар бор, билиб кўй! Сен бурчакка тур, эркакларнинг хукукини поймол килганинг учун жавоб берасан!

Ўша куни Мардона кўтарган ўклов синганмиш. Нима учунлигини хеч ким билмайди. Хеч ким билмаган нарсани биз хам билмаймиз. Вассалом.